

Вақф қилинган китоблар Тошкент вилоятидаги масжидларга етказилди



05:18 / 26.07.2018 4040

24 июль куни «Масжид ва мадрасалар учун китоб акцияси» доирасида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги 5 та масжидга ва Бўстонлиқ туманидаги 24 та масжидга жами ҳисобда 36 млн сўмлик 38 турдаги 1276 та китоб етказиб берилди.

Масжидларнинг ҳар бирига юртимизда нашр этилган «Муаллими соний», «Ҳазрати Нухнинг кемаси ва тўфон воқеаси» китоблари ва тасбеҳлар икки донадан, «Қуръони карим», шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб, «Одоблар хазинаси» тўплами, «Ислом тарихи» тўплами, «Ҳадис ва ҳаёт» китобидан 9 та жуз, «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга содиқ Муҳаммад содиқ», «Бахтиёр оила», «Амаллар ниятга боғлиқ», «Зикр аҳлидан сўранг»

китобининг 2, 5-қисмлари, «Олтин силсила»^{1,3}, 4, 6-жузи, «Соғлом бола», «Тасаввуф ҳақида тасаввурлар», «Бозор ва унга боғлиқ ҳукмлар» китоблари бир дондан Аллоҳ йўлида вақф мулки қилиб берилди.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Ундан ташқари «Ғийбат ўзи нима?», «Қуръон қалблар шифоси» «Енгил амаллар», «Дунё ва дин одоби», «Осонлаштирилган тажвид қоидалари», «Мен ҳам намоз ўқийман», «Гуноҳи кабиралар», «Умрнинг бир лаҳзаси», "Ҳанафий фикҳидан саволлар", каби китоблар ҳам масжидларга тақдим этилди.

Акциянинг тўртинчи босқичида маблағларини вақф қилган ёки акцияни улашиб бўлсада ёрдам берган барчага раҳмат деб қоламиз.

Фаол бўлайлик! Тўпланган маблағлар эвазига вилоятлардаги масжидларга китоблар олинади ва Аллоҳ йўлида вақф қилинади. Аллоҳ йўлида вақф қилиш имконини қўлдан бой бермайлик, Аллоҳнинг уйларини илму маърифатга тўлдирайлик!

Эслатиб ўтамиз, йиғилган маблағлар эвазига ҳозирги кунгача 92 та масжид уламолар томонидан ёзилган энг сара асарлар билан таъминланди. Сиз ҳам ушбу акцияни қўллаб-қувватланг!

Пул ўтказиш учун пластик рақами (исталган миқдорда, чекловлар йўқ):

8600 3104 5763 1232 (Бакиев Ҳаким номида)

Мурожаат учун телефон:

+998909074554 (Шавкатбек)

+998974490456 (Темурбек)

манба: muslim.uz